

**BUILDERS OF THE FUTURE**

journal homepage:

<https://kelajakbunyodkori.uz/>**TRANSFORMATION PROCESSES IN CENTRAL ASIAN AND INDIAN ARCHITECTURE**

(ON THE EXAMPLE OF BUDDHIST STUPA ORNAMENTS)

A. Ulmasov*Head of Department**Institute of Art History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Central Asia, India, architecture, transformation, Buddhism, stupa, decoration.

Abstract: The article provides information about the originality and harmony in the architecture of Central Asia and India. This architectural transformation is approached in the example of the ornaments of Buddhist stupa.

Received: 02.06.22**Accepted:** 04.06.22**Published:** 06.06.22**ЎРТА ОСИЁ ВА ҲИНДИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ**

(БУДДАВИЙЛИК СТУПАЛАРИ БЕЗАКЛАРИ МИСОЛИДА)

A. Ўлмасов*Бўлим бошлиғи**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатишунослик институти**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Ҳиндистон, меъморчилик, трансформация, буддавийлик, ступа, безак.

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморчилигида ўзига хослик ва уйғунликлар ҳақида маълумотлар берилган. Бу меъморчилик трансформациясида буддавийлик ступалари безаклари мисолида ёндашилган.

**ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ И ИНДИЙСКОЙ
АРХИТЕКТУРЕ**

(НА ПРИМЕРЕ УКРАШЕНИЙ БУДДИЙСКОЙ СТУПЫ)

А. Улмасов

Начальник отдела

Институт истории искусств Академии наук Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ**Ключевые слова:** Средняя Азия, Индия, архитектура, трансформация, буддизм, ступа, украшение.**Аннотация:** В статье представлены сведения о своеобразии и гармонии в архитектуре Средней Азии и Индии. Эта архитектурная трансформация рассматривается на примере украшений буддийской ступы.**КИРИШ**

Қадимги дунё тамаддунлари бешиқларидан ҳисобланган Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги муштарак алоқалар буддавийлик таълимоти ёйилмасдан анча аввал бошланган эди. Яъни, илк бронза давридаёқ Месопотамиядан Ҳиндистонгача чўзилган ва Евросиёнинг катта ҳудудини қамраб олган минтақаларга умумий маданият хос бўлган. Хусусан, эр. ав. 3 минг йилликнинг иккинчи ярми – 2 минг йилликнинг биринчи ярмида Қадимги Шарқнинг кўҳна Хараппа маданияти излари Амударё водийсида аниқланган /Ртвеладзе, 1996/. Сўнги тадқиқотлар бу икки туташ ҳудудни яқин алоқада бўлганлигини яна бир бор исботлади. Яъни, Ипак йўлидан аввал ҳам Ҳинд дарёсидан Каспий денгизига борадиган қуруқлик ва дарё йўллари айнан Бактриядан ўтганлиги аниқланди. Бу йўл фанга Буюк ҳинд йўли номи билан кирди ва энеолитдан илк темир давригача бўлган жуда катта даврни ўз ичига олади /Ртвеладзе, 2012/.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кейинчалик бу қуруқликдаги ва денгиз йўллари Буюк Ипак йўлини шаклланишига, у орқали эса нафақат савдо-сотик, балки маданий алоқалар ҳамда диний таълимотларни ёйилишига замин яратди. Эрамиз чегараларига келиб бу қарвон йўллари ўзининг юксак ривожланиш босқичига чиқди ва айнан шу қарвон йўллари орқали Ҳиндистондан Ўрта Осиёга буддизм кириб келди. Буддавийлик таълимоти маҳаллий диний ақидаларга таъсир этибгина қолмай, ҳудуд шаҳарсозлик маданиятига янги ғоявий-композицион иншоотларни олиб кирди. Бу буддавийлик ибодатхоналари, монастирлар, ступалар ва бошқа иншоотлар қурилишида ўз ифодасини топди. Улар ичида буддавийлик ступаси ўзининг бадиий-ғоявий жиҳати, ташқи кўриниши ҳамда алоҳида меъморий безаклари билан алоҳида ўрин эгаллаган.

Буддавийлик дини атрибути ҳисобланган ступалар қурилиши Ҳиндистонда эр. ав. III аср ўрталарида вужудга келди. Ступалар ва улар билан боғлиқ аънаналар Ҳиндистондан узок

мамлакатларга ҳам ёйилди ва вақт ўтиши билан мазмунан ўзгармаган бўлсада, шаклан ривожланиб борди. Ўзгаришлар фақат ташқи кўринишда бўлибгина қолмай, ступаларнинг умумий композицион ва алоҳида деталларида намоён бўлди. Аввалда илк ступалар тарихда доирасимон ва ярим шар кўринишида бўлган. Гумбаз юқори марказидаги квадрат панжара билан ўралган хармика ва фахрий соябон анча кичик ҳажмда бўлган. Ступаларнинг атрофи кўп ҳолларда ўзига хос панжара (*vedikā*)лар билан ўралган. Тўсиқлар ичи бўйлаб эса буддавийлик диний маросими, яъни ступани айланиб чиқиш (*pradakshina-patha*) ўтказилган. Уларнинг дастлабки намуналари ёғочдан, кейинчалик тошдан ясалган. Одатда мазкур девор-панжаралар Будда ҳаётини ёритувчи лавҳалардан иборат кўплаб бўртма ҳайкалтарошлик намуналари билан безатилган. Худди шундай безаклар унинг тўрт томонида жойлаган дарвоза (*toranas*)ларда ҳам акс этган. Бу даврга хос ступаларнинг илк ва қадимги намунасини Санчидаги Ашока даври (эр. ав. III аср)да қурилган ступа ифодалайди.

Ступаларни кейинги ривож эр. ав. II-I асрларга тўғри келади. Бу пайтга келиб улар асос, яъни платформа ҳисобига вертикал ҳолатда ўсиб боради. Масалан, Бхая (Ғарбий Ҳиндистон)да ғорли ибодатхона марказида ступа қад кўтарган. Буддавийлик Ашока давридаёқ Гандхара тарихий-маданий ҳудудига етиб борган эди. Хитой зиёратчилари Хуан Цанг ва Фа Хьенлар Ашока даврида қурилган бир неча ступалар бўлганлиги ҳақида хабар қилишган. Уларнинг айримлари (масалан, Таксила шимолидаги Бхаллар топе) фақат сўнгги пайтларга келиб археологлар томонидан аниқланган. Гандхарада ҳинд, эллин-рим, форс ва бошқа турли элементларининг бадиий қоришуви натижасида ўзига хос аралаш шакллар вужудга келган. Буни ступаларда террасаларнинг пайдо бўлишида ҳам кузатиш мумкин. Юмалоқ ступалар эндиликда квадрат асосга ўрнатилади ва тез орада кўп қаватли кўринишга келади (масалан, Балхдаги Топи-Рустам, Кхотандаги Ровоқ ступа). Янгича квадрат асослар эллинистик услуб таъсири ҳисобланган пилястра, равоқча ва токчалар билан безатилган. Мазкур пайдо бўлган равоқчалар Будда тасвирини жойлаштиришга хизмат қилган. Шундай қилиб буддавийлик ступалари қурилишида янги йўналиш қўлланила бошланди.

Ўрта Осиё ва Афғонистондаги кўплаб буддавийлик ступаларида айнан Гандхара анъаналари таъсирини кўриш мумкин. Афғонистонда буддизм унинг шарқида эрамизнинг I асридан бошлаб тарқала бошлаган. Буддавийлик диний иншоотлари, шу жумладан ступалар биринчи асрнинг охири ва иккинчи асрнинг бошларида қад кўтаради ва кенгаяди. Илк ступа Дарунта районида топилган бўлса, Тепа-Заргаронда кушон даврига оид ступа аниқланган. Тош плиталар билан қопланган ступанинг хом ғишт тахлами орасида реликвария аниқланган бўлиб, унинг ичида Сотер Мегасга тегишли бир неча бронза тангалар топилган. Ступа эр. I аср охирига оид, яъни Шимолий Афғонистондаги энг қадимги ступалардан бири бўлиши мумкин. Қобул атрофидаги ступалар кейинроқ, аниқроғи иккинчи асрнинг ўрталари ва

охирларига тўғри келади. Хаддадаги муҳим ступалар эса энг сўнги даврлар, яъни V асрга оиддир /*Кошеленко, Мунчаев, Гаибов, 2014/*.

Бактрия худудида илк буддавийлик ступаларининг пайдо бўлганлиги хусусида ёзма манбалар мавжуд. Будданинг илк Хинаяна биографларига кўра Сарвастивада матнида Бактриялик савдогар ака-ука Тапассу ва Бхалика ҳаваскорлик масъулиятини олиб илк муридлар бўлишган. Бу Шақямунини комилликка етганининг саккизинчи ҳафтасида содир бўлган, одатда бу эр. ав. 537 йилга мансуб. Бхалика кейинчалик роҳибга айланади ва ўзининг туғилиб ўсган шаҳри, яъни Балх (ҳозирги Мозори-Шариф) яқинида монастыр қурдиради. У ўзи билан Будданинг табаррук буюми сифатида саккизта соч толасини олиб келади ва унинг учун ступа ёдгорлигини қурдиради /*Berzin, 2006/*.

Бироқ Бактрия-Тохаристон худудида сақланиб қолган буддавийлик ступалари Кушон даврига тўғри келади. Уларнинг кўпчилиги, масалан, Зурмала, Айритом, Фаёзтепа ва Қоратепидаги бир неча катта-кичик ступалар Термиз худудида, айримлари эса, масалан Зартепа Термиздан узоқроқда жойлашган /*Пугаченкова, 1967; Пидиев, 2012/*.

Маълумки илк ступалар олдида *stambha* – якка устун ўрнатиш анъанаси мавжуд бўлган. Аввалда улар ҳинд меъморчилиги анъаналарига кўра ёғочдан бўлган (масалан Патилапутрадаги капител фрагменти), кейинчалик форс ва юнонлар таъсирида тошдан ясалган. Уларнинг энг яхши намунаси албатта Санчи ступаси олдида ўрнатилган. Сарнатхдаги машҳур буддавийлик ҳомийси – император Ашока (м.о. III аср) шарафига ўрнатилган капител маҳобатли иншоот устунини эмас, балки, алоҳида якка устунни тугаллаган. Тошдан силлиқлаб ясалган устун 10 м баландликда ва зооморф капител билан тугалланган. Капителдаги тўрт томонга қараган шерлар бор бўйича тасвирланган. Маълумки, стамбха Коинот ва Ерни боғловчи Олам ўқини рамзи бўлиб, Дунёвий Ҳаёт Дарахтига қиёсланади.

Ҳиндистонда Маурлар ҳукмронлиги даврида стамбхалар қурилиши урф бўлган. Ашока устунлари ёки унинг фрагментлари Санчидан ташқари Сарнатх, Амаравати, Бихар каби жойларда ҳам сақланиб қолган. Масалан, Сарнатхда баландлиги салкам 15 метрдан ошган ва тўртта шер қомати билан яқунланган Ашока устуни Дхармаражика ступаси ёнида қад кўтарган. Бошқа бир стамбха эса Бихардаги Лаурия Нандаргоҳда қайд қилинган. Эр. ав III асрда бунёд этилган оҳақтошдан силлиқлаб ясалган устун 10 метрга яқин баландликда бўлган. Устуннинг асоси мавжуд бўлмасида, у нилуфар гули билан безатилган қўнғироқсимон шаклдаги капител билан таъминланган. Капител устидан эса ягона шер қомати ўрнатилган. Мазкур устун Маурлар даври усталарининг муҳандислик тажрибасининг илғор намунасидир.

Ҳозирда Термиз археология музейи ҳовлисида сақланадиган (№3298 SVAM) Кўҳна Термиздан фавқулудда топилган шер тасвирли капител ҳам айнан якка устун, яъни Стамбхага тегишли бўлгани эҳтимол. Протокапител марказда нотекис квадрат плита (37x3x10 см) ҳамда ундан тўрт томонга (35 см) туртиб чиққан ҳайвон ярим қомати (бир томондаги сақланганига қараганда – шер боши)нинг ҳайкалдаги тасвирини кўриш мумкин. Афсуски, у бизгача тўлиқ етиб келмаган, лекин тадқиқотчилар квадрат блокнинг бир томонидаги сақланган қомат ва бошқа томонларидаги синиқ изларига қараб уни тиклашга эришган. Капителнинг тикланган ҳолатида унинг эни 0.1 м, баландлиги эса 40 см. Капител юқори юзасидаги йирик квадрат ўйиқ мавжуд. Маҳобатли капителни кўтариб турган устун албатта мустаҳкам, ўлчами ҳам йирик, шунингдек, тошдан бўлгани эҳтимол. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу тош капител юнон-Бақтрия синкретик санъатининг ёрқин ёдгорлиги ҳисобланиб, м.о. II – I аср бошларига оид /*Ставиский, Козловский, 1985*/.

Термиз протокапители стилистик белгиларига кўра Бхархут (Ҳиндистон)даги терракота рельефда тасвирланган зооморф образли импост капителни эслатади /*Indian Buddhist Art, 2015*/. У ерда тўғри тўртбурчак плитанинг доира ичидаги композиция марказида стамбха тасвирланган. Устуннинг кўришиб турган юқори қисмига нилуфар барглари билан безатилган лоласимон шаклдаги капител гўё тескари тўнтарилгандек. Унга кўндаланг ҳолатда қатор қилиб тизилган аркон сифат бўртма безакли вал бириктирилган. Валнинг устидаги импост капителда эса бир-бирига тескари ўтирган иккита хўкиз ифодаланган. Уларнинг устидан калта, лекин йўғон ўққа йирик ҳажмдаги ғилдирак ўрнатилган. “Қонуниятлар ғилдираги” (*dharmacakra*) деб аталадиган чамбаракнинг қалин диски ташқи томонидан айланасига иккитадан учбурчак шаклдаги тешиқчалари бўлган яримвал ва улар орасида жойлашган яримдоирасимон безаклар билан таъминланган. Унинг ички томонида ҳам ҳар бир кегай (рус. *спица*) орасида яримдоирасимон безаклар қаторасига жойлашган. Чамбаракнинг маҳобатли қилиб ифодаланиши бу ерда импост устунни кичкина кўрсатгандек гўё. Стамбха атрофидаги эътиқод қилаётган образлар тасвирланган. Рассом бу ерда ғилдиракни аҳамиятини ошириш ва марказий объект сифатида ифодалаш учун ҳам уни йирик ҳажмда тасвирлаган бўлиши эҳтимол. Нима бўлганда ҳам мазкур стамбха намунаси Термиз протокапителлари устида ҳам шунга ўхшаш чамбарак бўлган деб тахмин қилишга ундайди.

Қоратепа буддавийлик мажмуасидан топилган йирик шер боши ҳам эҳтимол Кўҳна Термиз намунаси каби капителга тегишли бўлган. Йирик монолит оҳақтошдан йўниб ишланган бўлакда шернинг юқори бош қисми ва ундаги аниқ қилиб ўйилган соч толалари сақланган. Ҳайвоннинг тумшуғи, икки қулоқлари ва танаси чамаси атайин синдирилган.

Мазкур фрагментдан ташкил топган капител эҳтимол Қоратепадаги ступалардан бирининг ёнида қад кўтарган якка устунни яқунлаган бўлиши мумкин.

Бактрияда бу каби йирик ўлчами зооморф тош капителлар кам топилган бўлсада, уларнинг ўхшашлари қўшни ва узоқ тарихий ва маданий ҳудудлардан маълум. Хоразмдаги хўкиз протомали капител, чамаси, форслар “шоҳлар шоҳи”нинг маҳаллий сатраплари саройларини беаган. Бу турдаги капителнинг кўп сонли турли намуналари Эрон аҳмонийларининг мил. авв. VI-IV асрлар сарой иншоотларидаги тош устунларни тугаллаган. Қадимги Эрон капителларида ярим қоматларидан ташқари, хўкиз протомаси, грифон ва бошқа персонажларни ҳам учратиш мумкин. Зооморф капителлар эллин даври (м.о. IV-I асрлар)да Кичикосиё (масалан, Саламин, Фасос, Делос)га ҳам кенг тарқалган. Лекин, улардаги ҳайвон тасвирлари сезиларли ўзгариб, аҳмонийлар Эронидога қараганда бошқачароқ услубда бўлган, яъни, протомаларга қўшимча мотивлар (масалан, инсон қоматлари) қўшилган.

Қиёсий таҳлиллардан кўринадикки зооморф капителли якка устунлар Кичик Осиёдан Ҳиндистонгача бўлган жуда кенг ҳудудда тарқалган. Улар макон ва замонлар оша ҳам шаклан ҳам мазмунан ўзгариб борган, яъни трансформация бўлган. Бир жойда улар эрилишган ғалаба ёки зафар устунларини ифодалаган бўлса, бошқа жойда художўй буддавийлар томонидан Буддага чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш маъносида қад кўтарган. Шунингдек, улар буддавийлик дини атрибути ҳисобланиб, ўзига хос апогрея вазифасини ҳам бажарган.

Стамбулларнинг яна бир ажралмас конструктив-декоратив қисми бу абакадир. Улар юқорига қараб қисқариб борувчи силлиқланган тош ўзак устига ўрнатилган. Одатда абакалар квадрат ёки юмалоқ шаклда бўлиб кўп ҳолларда нилуфар, акант ва пальметта гуллари, қисман бошқа зооморф ва исломий безаклар билан қопланган. Ашока устунларининг деярли кўпчилигида нилуфар гулли абакалар мавжуд. Улар Гандҳарада устунлардан кўра кўпроқ ступаларни беазда кенг қўлланилган. Бактрияда ҳам шу каби меъморий деталлар учраб туради. Масалан, Термиз археология музейида йирик акант барглари билан безатилган меъморий қисм кўринишидан иккита капителни бир-бирига ёпиштириб қўйилган шаклни намоён қилади. Тош қисм эҳинни эслатувчи вал билан яқунланган. Бироқ, мазкур тош безак юқори ва қуйи юзасида ўйиқ ҳосил қилинмаганлиги унга чатра, яъни фаҳрий соябон ўқини ўрнатишни қийинлаштиради. Чамаси, мазкур детал якка устунни яқунловчи капител абакаси вазифасини бажарган.

Ступалар ёнида қад кўтарган якка устунлардан ташқари улар билан бевосита умумий композицион ва ғоявий жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган устунлар ҳам мавжуд бўлган. Булар ступанинг тўрт томонида, шунингдек, оламнинг тўрт томонига қараган таянч устунлардир.

Устунлар бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлсада уларнинг конструктив ва бадий қисми ҳисобланган тош пойустунлар ва капителлар учраб туради. Бу нафақат Гандхара (масалан, Сайду Шариф, Сват водийси), балки Кушон Бақтрияси (масалан, Қоратепа) ступаларига ҳам хосдир.

Бақтрияда устунларнинг тош асослари ҳудудда кенг тарқалган аттик услубда, лекин уларнинг ўлчамлари айвон ва оралиғи кенг хоналарда қўлланилган мумтоз турлардан анча кичик. Устунни яқунловчи капителлар пойустунлардан фарқли ўлароқ коринф турини қайтармайди, балки улар ўзига хос шакли-шамойилга эга. Тош капителлар ҳам турли ўлчамларда, тарихда юмалоқ, қирқимда цилиндр шакли намоён қилиб, юқорида абака билан яқунланган. Капителларни ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг юзаси бўйлаб қатор бўртма нилуфар гули барглари жойлашган. Барглар пастдан юқorigа, яъни эхиндан абакага қараб кенгайиб борган. Биринчи қатор барглар орасидан кейинги юқори қатордаги барглар тасвирланган. Қоратепа капителининг янги намунасида икки қатор нилуфар гули баргларига қўшимча равишда бир қатор майда баргчалар жойлашган.

Ступани акант ва лотос барглар ҳамда тўғритўртбурчак ва яримайлана равоқчалар билан безатиш Гандхара ступаларида кенг тарқалган. Масалан, Сиркаптаги эр. ав. I – эрамизнинг I асrigа оид ступа танаси йирик акант барглари билан қопланган бўлса, Қалавандаги ступа платформаси периметри бўйлаб зич пилястралар, триглифлар қатори ҳамда юзаси икки қатор нилуфар гуллари билан безатилган. Коринф капители шаклини эслатувчи икки қават тик ва баланд акант баргларида ташкил топган оралиқ бўғин платформадан ступа гумбазига енгил ўтишни таъминлаган /*Marshal, 1951, Pl. 73*/.

Гандхарадаги ступаларни бу тарзда безатиш анъаналарини Афғонистонда аниқланган ступаларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, сўнги йилларда Қобулдан 40 км жанубий-шарқда жойлашган Мис-Айноқ буддавийлик мажмуасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бир неча ўнлаб ступалар ўрганилган. Улар ўлчам ва ташқи кўринишидан турлича бўлсада, айнан Гандхара ступаларига ўхшаш. Мис-Айноқ ступаларининг бири пилястралар билан таъминланган бир қават платформага эга. Платформа устидан қад кўтарган барабан атрофи шифердан тахланган уч қатор нилуфар гуллари билан қопланган /*Massoudi, 2014*/.

Бақтрияда ҳам кўплаб ступалар, аниқроғи уларнинг платформа юзалари нилуфар гули билан қопланган. Масалан, Термиздаги Қоратепа буддавийлик мажмуасининг монастыр қисмидан аниқланган ступа платформасининг юқори юзаси уч қават бўртма лотос барглари билан безатилган. Бу рельеф аввалида оч қизил, кейинчалик оқ билан бўялган. Платформанинг ҳар бир томони бешта миниатюра пилястраларга таянган тақасимон равоқчалардан иборат рельеф билан безатилган. Равоқчалар ичида Будданинг қизил кийимда

Ўтирган тасвири каби саҳна тасвирланган кўплаб суратлар бўлганлигини сезиш мумкин. Ана шундай иккита равоқлар орасида пилястрнинг аттик услубдаги пойустуни ва коринф ордерига мансуб капителни кўриш мумкин. Пилястр капители юқорисида, ҳамда иккита рамка ўртасида қанотини ёзиб турган куш (чамаси, Гаруда) ҳаракатсиз ҳолатда тасвирланган. Ступанинг устида ва ёнида тўқ қизил ва кўк рангга бўялган кўплаб акант барглари рақиб рельеф бўлаклари аниқланган /Pidaev, Kato, 2007/.

Тош қоплама блоклар асосан ступа платформа, қисман унинг танасини безашда ишлатилган. Уларнинг олд ва ён томонлари силлиқланган бўлиб, орқа томонига ишлов берилмаган, яъни йўнилган ғадир-будир ҳолатида қолган. Бундан кўринадикки, тош блоклар текис ва юмшоқ юзага ярим ҳажмда киргизилиб маҳкамланган. Бу техника Гандхарада (Сурх-Хўтал) ҳам Бактрия (Айритом)да ҳам қўлланилган. Масалан, Қоратепадаги Бош ступанинг жанубий томонида шундай тош блокларнинг йигирмадан ортиғи аввал қазиб ўрганилган монастир иншоотида ҳам топилган /Зеймаль, 1996/.

Буддавийлик ступалари платформларини безашда тош блоклар билан пилястра ва антлар ҳам уйғунликда қўлланилган. Пилястрлар одатга кўра тўғритўртбурчак тош блокда горельеф кўринишда ($\frac{2}{3}$ қисми) бўрттириб ишланган. Пилястрлар куйида аттик профилдаги пойустун ҳамда юқорида коринф туридаги капителлар билан тугалланган. Пилястр ўзаги юқори қисми осилиб турган пардани эслатувчи ярим ойсимон шакл билан тугалланган ичига кирган “*филенка*” деб номланувчи вертикал хошиялар билан безатилган. Одатда айвон бурчаклари ва кириш эшикларининг ёнларида қўлланилган пилястр ва антлар ступа платформаларида безак сифатида ишлатилган. Яъни, пилястрлар платформанинг ҳар бир томонини ритмик тенг тақсимлаб, “курук” юзани жонлантирган ҳамда ступаларга улуғворлик бахш этган. Улар ораси баъзида текис бўшлиқ, баъзида эса рельеф ҳайкалтарошлик ёки деворий суратлар билан тўлдирилган. Мазкур композицияларда асосан Будда ҳаётининг турли лаҳзалари ёки буддавийлик мифологияси билан боғлиқ тасвирлар акс эттирилган. Ступа ва бошқа диний меъморчилик иншоотларини бу каби декоратив безаш Гандхара, шунингдек, Бактрияда ҳам ривожланган.

Гандхара (Таксила)даги буддавийлик ступасида (м.о. I – милодий I асрлар) пилястрлар билан бирга нимустунларнинг уйғунликда қўлланилганини кўриш мумкин. Термиз намуналари Сурх-Хўталдаги кушон шоҳи Канишка шарафига қурилган II асрга оид йирик ибодатхона мажмуаси ва унинг ёнидаги “буддавийлик платформаси” пилястрларига ўхшаш. Қоратепа пилястрлари эса беихтиёр Афғонистон Бамиёнининг Шарқий монастирдаги Тепа-Сардор ступасининг пилястрларини эслатади. Ступа платформасининг томонлари етти қатор тизилган (иккитадан бурчакларида жойлашган) пилястрлар билан безатилган. Ҳар бир пилястра торосимон асос, текис устун ва коринф турига хос капителдан иборат.

Тадқиқочилар фикрича, ступа шакли ва унинг ганч билан қопланиши Гандхара ступалари билан боғлиқ ва у кўпроқ Ҳиндикуш шимолида аниқланган биринчи ступа жойлашган Хаддага хос /*Tarzi, 2007*/.

Кам бўлсада пилястралар горельеф ҳайкаллар билан ҳам таъминланган. Бунга Кўҳна Термиздаги Зурмала ступаси атрофида фавкулудда топилган ва ҳудудда ҳозирча ягона пилястра мисол бўлади. Тош блокда ўзак қисм яхши сақланган бўлиб, унда хошия билан безатилган ички девор сезилади. Филенка деб аталувчи пилястранинг мазкур қисми юқорида ярим айлана билан тугалланган. Филенка юзасида эса тик турган қомат бўртма усулда тасвирланган бўлиб, тадқиқотчилар тахминича у Буддани ифодалайди /*Абдуллаев, Аннаев, 2012*/.

Термиздаги Будда тасвирланган пилястранинг ўхшаш намуналари Гандхарада кўплаб учрайди. Ранигат (ҳозирги Покистоннинг Исломобод шаҳридан ғарб)даги илк кушон даврига оид буддавийлик ступалари рельефли пилястраларда Будда ва бошқа диний персонажларнинг бўртма тасвири ифодаланган /*Ranigat, 2011*/.

Ўхшашлик нафақат пилястраларда, балки карниз, гирлянда, равокли фигуралар, мерлон каби ступанинг бошқа бадиий-меъморий безакларда ҳам ўз аксини топган. Бу эса Бақтриянинг қўшни тарихий-маданий ҳудудлар билан яқин алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўзга ташланувчи фарқ Гандхара намуналарида филенка мавжуд эмас. Тадқиқотчилар пилястраларни “ҳинд-коринф” ва “ҳинд” услубига хослигини таъкидлайди /*Staviskii, Mkrtichev, 1996*/.

Ступаларни меъморий-бадиий қисмларига шунингдек, карниз, фриз ва горельеф плиталар ҳам киради. Карнизлар кўпроқ ҳолларда ступа платформаларининг юқори қисмини тугаллаган бўлса, айрим ҳолларда унинг цилиндрсимон танасини бегаган. Улар оҳақтошдан йўниш орқали ҳосил қилинган. Шунингдек, лойдан ясаиб, устига юпқа ганч қатлами билан қопланиб, ранг (кўпроқ қизил)га бўялган. Карнизларнинг текис юзадан чиқиб турадиган олд қисми яхшилаб силлиқланган. Девор ёки қурилма ичига киргизиладиган қисми ғадир-будир қолдирилган. Бу бир томондан уларни пахсали, ғишт ёки тупроқ масса билан боғлашга хизмат қилган. Юзада сақланган изларга қараганда, уларни йўнишда чамаси, исканага ўхшаш метал асбоб ишлатилган.

Платформа карнизлари мураккаб тузилишга эга бўлиб, қадимги юнон-рим меъморий анъаналарига хос бўлган дорий ордерининг фризини ташкил этувчи триглиф ва дентикуллар билан безатилган. Мазкур меъморий қисмларни Гандхара, Хадда ва Бақтриянинг деярли кўплаб ступаларида учратиш мумкин. Бу каби ҳайкалтарошлик ҳамда меъморий безак бўлаклари Кўҳна Термиз шаҳристониинг турли жойларида, Зурмала атрофида ва Фаёзтепа буддавийлик ёдгорликларида кўплаб учраган. Уларнинг кўплаб намуналари Қоратепода ҳам

аниқланган. Карнизлар ўлчамлари ва шаклларининг бир-биридан фарқ қилиши уларни бир неча иншоот, аниқроғи ступаларда қўланилганидан гувоҳлик беради.

Буддавийлик ступалари нафақат шаклу-шамойили, балки уларни беаган конструктив қисм ва меъморий-бадий безаклари билан ҳам аҳамиятлидир. Улар иншоотнинг ҳажмий-фазовий кенглиги, бадийлигини ошириб, улуғворлик бахш этади. Конструктив қисмлар ва бадий безакларнинг кўпчилиги ступалардан алоҳида ясалган. Уларга мисол тариқасида ступа платформаларини қоплаган тош блоклар, пилястралар, плинтуслар, карниз ва тягалар, цилиндрсимон танани қоплашда ишлатилган пишган ғишт, тошдан ясалган хармика ва чатра (фахрий соябон)ларни келтириш мумкин. Охиргилари кийгазилиб ўрнатиладиган *yasti* (илмий адабиётларда *parasol* деб ҳам юритилади), яъни вертикал ўк, чамаси ёғочдан бўлган ва бизгача сақланмаган. Ёғоч ўқлар ступа гумбазининг юқори марказига ўрнатилиб, чатрани қурилма билан боғлаш учун хизмат қилган.

Юқоридаги меъморий элементлар бизгача сақланмаган буддавийлик ступаларини безашда кенг қўлланилган. Моҳиятига кўра бу меъморий деталлар Гандҳара анъаналари таъсири остида яратилган ҳамда ступани янада кўркамлигини ошириш баробарида унга улуғворлик ҳам бахш этган. Худуд ступаларида юнон-ҳинд анъаналарнинг таъсири сезилсада, ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Бу хусусият фақатгина маҳаллий қурилиш ашёлари ва техника ёки ҳажм ва шаклдагина эмас, балки алоҳида меъморий ва бадий қисмларда намоён бўлади. Шунингдек, кўшни ва узоқ тарихий-маданий худудлар ҳамда азалдан шаклланган маҳаллий анъаналарнинг ўзаро уйғунликдаги қоришуви Бактрия услубини белгилаб берди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёнинг ўзаро алоқалари фақат дипломатик ёки савдо-сотик билан чекланиб қолмаган. Карвон йўлларида маданиятлар ва диний эътиқодлар ҳам бир худуддан бошқа худудга тарқалган. Энг асосийси, улар борган жойида бир неча асрлик маҳаллий анъаналар билан қоришиб ўзига хос бадий маданиятни шаклланишига туртки бўлган. Бу қоришувда гоҳ маҳаллий анъаналар ғолиб келган бўлсада, баъзида ташқи бадий мактабларнинг услублари устунлик қилган. Пировардида, мазкур ижобий синтез бадий санъат ва меъморчилик, хусусан, буддавийлик ступаларида яққол намоён бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев К., Аннаев Т. Новые находки буддийской скульптуры в округе Зурмала // O'zbekiston arxeologiyasi, 2012. № 1 (4). – С. 108-116.
2. Зеймаль Т.И. Раскопки на северной вершине Кара-тепе (1985 – 1989 гг.) // Буддийские комплексы Кара-тепе в Старом Термезе. – М., 1996. – С. 137-153.

3. Кошеленко Г.А., Мунчаев Р.М., Гаибов В.А. Археология Афганистана: в дни мира и дни войны. ИА РАН. 2014. – с. 67.
4. Пидаев Ш.Р. Ўзбекистонда буддавийлик ва буддавий мерос. Тошкент, 2012.
5. Пугаченкова Г.А. Две ступы на юге Узбекистана // СА. М.: «Наука», 1967. №3. – 257-264.
6. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый Путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. – Ташкент: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 1999. – С.16.
7. Ртвеладзе Э.В. Великий индийский путь: из истории важнейших торговых дорог Евразии. - СПб.: Нестор-История, 2012. – 296 с.
8. Ставиский Б.Я., Козловский В.А. Львиная капитель из Старого Термеза // Культурное Наследие Востока. – Л.: Наука, 1985. – С. 190-197.
9. Berzin A. Historical Sketch of Buddhism and Islam in Afghanistan. 2001 (revised 2006) www.berzinarchives.com
10. Indian Buddhist Art: from Indian Museum, Kolkata. Tokyo National Museum, 2015. 28 p.
11. Marshall, John S. Taxila. Vol. I-III. “The University Press” – Cambridge, 1951. – P. 391.
12. Omara Khan Massoudi. Mes Aynak: New Excavations in Afghanistan, 2014. <http://www.serindia.com/item.cfm/618>
13. Pidaev Sh., K. Kato. The Excavation on the North and West (Central) hills of Kara-tepa (1998-2007). – Kanagawa: Ai-Khanum, 2007. – 40 p.
14. Ranigat. A Buddhist Site in Gandhara, Pakistan, Surveyed 1983-1992 (Edited by Koji Nishikawa). Comprehensive Report. Vol. I, II (1994). Kyoto University Press, 2011. – P. 556.
15. Staviskii B., Mkrttychev T. Qara-tepe in old Termez: On the History of the Monument // BIA. V.10. U.K., 1996. – P. 219-232.
16. Zemaryalai Tarzi. Bamian 2006: The Fifth Excavation Campaign of Prof. Tarzi’s Mission // J. Silk Road, vol. 4, No2. Saratoga, 2007. – P. 10-27, fig. 13-14.